

Маориф ва маданият жихатдан кейинда колгон хар бир миллатнинг бир кун «интибох даври»га етиши табиийдур. Янгигина уйгона бошлагон миллатларнинг уйғониш даври кизик воқеалик бўлгонидек, ул даврнинг йўлбошчилари хам ибратлик можарога молик бўладурлар.

Бизнинг Туркистонда уйғониш даври 1901нчи йилдан бошланадур. Биз хануз уйғониш давридамиз. Биздаги уйғониш ва янгилик раҳбарларининг бири ва балки биринчиси шубҳасиз Махмудхўжа Бехбудий афандидур. Бехбудий афанди уйғониш даври ва ўзбек адабиёти тарихида биринчи ўринни олурга мувофик бир зотдур. Ул йигирма йиллик хидмати чоғида турлик ёқдан турлик тўсукликларга йўлукуб, кўб кийинчиликлар кўрди ва охири ўзининг туткон эзгу маслагини йўлида қурбон бўлди.

Бехбудий афанди 1901нчи йилдан бошлаб кўлига қалам олиб халқни уйғотишга киришган ва умрининг охиригача Туркистоннинг янгилик ва юксалишига хормай-тинмай, талашиб-тортишиб хидмат қилгон бирдан-бир фидокор йўлбошчимиз эди.

НАСАБИ, ВАЛОДАТИ, ТАХСИЛИ

Махмудхўжа Бехбудхўжа ўғлининг биринчи бобоси Солиххўжа ва иккинчи бобоси Ниёзхўжадур.

Бехбудий афандининг юкори боболари туркистонлик машхур Хўжа Ахмад Яссавийга мансубдур. Бехбудийнинг иккинчи бобоси бўлгон Кори Ниёзхўжа Урганчдан бўлуб 12нчи асри хижрий ўрталарида амир Шохмурод томонидан қорилар етиштуруш учун Самарқандга келтурулган. Ул модарзод кўр (сўкур) бўлуб, умрининг охиригача қорилик билан машгул бўлгон. Бехбудийнинг ота-боболарининг ҳаммаси қори (хофизини Қуръон)

бўлуб, корилик ва баъзи вақт имоматчилик билан умр ўтказганлар.

1868нчи йилда руслар Самаркандни забт этгач, Махмудхўжанинг отаси Бехбудхўжа ўзининг оиласини олиб Самарканд уязининг Сиёб бўлусидаги Бахшитепа кишлоғига кўчуб чиққан ва шунда 7 йил чамаси имом ва хатиб бўлгон. Бехбудий афанди шул кишлоқда 1291нчи хижрий йилда Юнчи зулхижжа ойида окшом (1874 йил, март) дунёга келган.

Бехбудий афанди 6-7 ёшга киргач, ўзининг катта тағоси бўлгон Мухаммад Сиддик хузурида ўқуб хат ва савод чиқаргон, сўнгра кори бўлмок учун отаси хузурида ўқуб, 3-4 йил ичида Куръонни бутун ёдлаган. Бунинг билан ҳам каноатланмай, ўзининг кичик тағоси бўлгон муфти мулла Одил хузурида дарс ўқурга киришган. Арабча сарф, нахвдан «Кофия» ва «Шархи мулло»ни, мантиқдан «Шамсия»ни, фикхдан «Мухтасар ул-викоя»нинг биринчи дафтарини ва бир оз «Хошия»ни мазкур зотнинг халкай тадрисида ўқугон, ҳисоб илмини ҳам (масоҳатгача) шул кишидан ўрганган.

Бехбудий афанди ёшлик чоғида ўткур зехнлик ва ўқишга жуда хаваслик бўлгон. Устозининг бир катла ўргатиши билан сабокини ўргана экан. Ўзи гоят халим, адаблик, оз сўзлик, ўйун-кулгуни севмайтургон бўлгон.

МИРЗОЛИК, МУФТИЛИК ДАВРИ, ХАЖ САФАРИ ВА ФИКРИНИНГ ОЧИЛИШИ

1311нчи хижрий йилида отаси ўлгач, Бехбудий афанди ўқишни тарк этиб бирон касб-кор қилишга ва ўз маишатини ўзи таъмин этишга мажбур бўлди. Самарканд уязининг «Чашмаи об» бўлусида янгигина кози бўлгон тоғаси Мухаммад Сиддикнинг қошида мирзолик хидматиға кириб ишлади. Бунда қилгон икки йиллик хидмати чоғида ул козиҳона ишлари билан ошно бўлди.

Масоили фикхия, мерос таксими ва бошка муфтиликка тегишлик нарсалардан хабардор бўлди. Икки йилдан сўнг тогаси козиликдан бекор бўлгонда Бехбудий афанди Кобуд бўлусининг козиси мулла Зубайрнинг козихонасига мирзоликка кириб, бунда 1-2 ой ўтмай муфтиликка ўтди. Неча йиллар шунда муфтилик билан кун кечирди.

Бехбудий афанди 1317 (1899)да ўзининг дўсти бухоролик хожи Бако билан хаж сафарига чиқди. Бориш-келишда йўлда Истанбул, Миср каби катта шаҳарларга кириб, улардаги баъзи янги-эски мактабларни, айнуksа, Мисрдаги «Жомеъ ул-Азхар»ни зиёрат этди. Кайтишда Миср ва Истанбулдан турлук янги китоблар келтурди. Бу муборак сафар Бехбудий афандига анчагина ибрат ва интибох берди.

Хижоз сафаридан кейин Бехбудий афанди Богчасаройда чикатургон «Таржумон» газетасини олдуруб ўқуя бошлади. Иккинчи ёқдан, турлик илмий, фанний китобларнинг мутолааси билан маълумотини кенгайтурди. Оз вақтда дунё сиёсатидан ва замон ахлоидан хабардор бўлди.

Бехбудий афанди бир неча йил (1901-1905 йилларда) фикрий инкилобга учраб, эътикодсизланиб юрган бўлса-да, лекин сўнгра кўб мутолаа соясида ва хар бир диний, фалсафий масалаларни текшириш натижасида эътикодини тасхих ва таъдил этди. Тараддуд ва шубхалардан чикиб, диндор ва махкам эътикодлик бўлди.

ХИДМАТИ КАЛАМИЯСИ

Бехбудий афандининг халкка килгон хидмати кўпдур. Биз бундан факат унинг хидмати каламияси тўғрисида кискагина ёзиб ўтмак билан кифояланамиз.

Туркистон ўлкасида миллий газета йўклиги ва «Таржумон» газетасининг шеваси огирлиги хам Туркистонда керагинча таркалмагонлиги учун Бехбудий афанди 1901нчи йилдан эътиборан Тошкандда чикмакда бўлгон миссионер Остроумовнинг «Туркистон вилоятининг газети»да макола ёза бошлади. Бу газетада доим ижтимоий, илмий маколалар бостуруб, 1905нчи ўктябр манифестигача халкка янги фикрлар бериб турди.

5нчи йил ўзгаришидан кейин Русия ва Туркистонда турлик миллий газета ва журналлар чиқа бошлади. Бехбудий афанди бу газеталарнинг кўбисида ҳар мавзуда мақолалар ёзиб халққа раҳбарлик этар эди. Дума ва сайлов масаласи кўзгалгонда, шул мавзуга оид керак оғзаки ва керак матбуот орқали халққа фойдалиқ маълумот ва таълимот бериб турди. 1321 (1903)нчи йилда Самарқандда янги мактаблар осила бошлагач, Бехбудий афанди бир ёқдан халқни мактаб ва маорифга ташвиқ этганидек иккинчи ёқдан бу мактабларда она тилимизда китоблар йўқлигини кўзда тутуб мактаб учун форсча ва ўзбекча турлик китоблар ёзди ва уларни ўз масоифи билан босиб тарқатди.

Биринчи мартаба ўз тилимизда ҳарита ва тиётр рисоласи ёзиб таъ ва нашр этди.

1913нчи йилда Самарқандда биринчи дафъа «Самарқанд» отлик бир газета чиқарди. Бу газета моддий жихатдан торликда қолиб 44нчи сонидан кейин ётишга мажбур бўлди. Бунинг ўрнида «Ойна» исмида ҳафталик бир мажмуа чиқара бошлади. Бу мажмуа керак Туркистонда ва керак дунё мусулмонлари орасида яхшигина шухрат ва эътибор қозонди. «Ойна» мажмуаси икки йил чамаси давом этгандан сўнг моддий ёқдан сиқилиб тўқтади. Бу мажмуа тамоман 68 нумер чиқди.

Бехбудий афанди Қофқоз-Тотористон ва Туркистонда чиққан матбуотда доим адабий, илмий, ижтимоий ва сиёсий мақолалар ёзиб турар эди. Унинг мақолалари («Самарқанд» ва «Ойна»дан бошқа) тубанда отлари ёзилгон газета ва мажмуаларда босилгон эди: «Туркистон вилоятининг газети», «Тараккий», «Тужжор», «Хуршид», «Шухрат», «Озиё», «Турон», «Хуррият», «Меҳнатқашлар товуши», «Улуг Туркистон», «Нажот», «Тирик сўз», «Таржумон», «Вакт», «Шўро», «Улфат», «Иршод», «Тоза ҳаёт».

Бу 18 газета ва мажмуаларда Бехбудийнинг икки юзга яқин мақоласи босилгондурким, улар бир ерга тўплангонда 5-6 юз бетлик бир китоб бўлур. Бехбудийнинг мазкур газета ва мажмуаларда босилгон мақолаларининг кўбиси муҳим мавзуларда ёзилгон бўлуб, ҳануз эскирган эмас ва бу кунларда ҳам биз учун дастуруламал бўлатургон фойдалуқ сўзлардур.

Бехбудий афанди феврал ва ўктябр ўзгаришидан сўнгра ҳам кўлдан келатургон хидматларини халқдан аямади. Ўктябр инқилобидан кейин расмий хидматларга киришни истамаган бўлса ҳам, лекин кўлидан келганча ишлади. Халққа яхши фикр ва

маслахатлар бериб турди.

Бехбудий афанди 1919нчи йил 25нчи мартда йўлдошлари Мардонкули ва Мухаммадкул билан сафарга чикканда (Бухоро тупрогида) Карши шахрида Бухоро амирининг золим беклари томонидан кўлга олиниб, вахшиёна суратда шахид килинди, ёши 45 да эди.

«Зарафшон» газетаси, 1923 йил, 25 март